

АХМЕДОВ Хусниддин
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Малака ошириш маркази директори
сиёсий фанлар доктори, доцент

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УМУМИНСОНИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

GENERAL HUMAN PRINCIPLES OF THE MODERN DEVELOPMENT OF THE NEW UZBEKISTAN

ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ СОВРЕМЕННОГО РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: Мақолада Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва уни амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари, замонавий тараққиётнинг умуминсоний тамойиллари, шунингдек, мавзунинг барча соҳалардаги долзарб вазифалар билан алоқадор жиҳатлари очиқ берилган. Янги Ўзбекистонни замонавий тараққиёт эhtiришида амалдаги Тараққиёт стратегиясининг ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, жамият, жамият ҳаёти, тараққиёт, ислохот, демократик ислохотлар, давлат ривож, ўзгаришлар, маънавий янгиланишлар, маънавий мерос, тамойиллар, умуминсоний тараққиёт.

Annotation: The article reveals the ongoing reforms in the construction of a new Uzbekistan and the important aspects of its implementation, the universal principles of modern development, as well as aspects of the topic related to current tasks in all areas. The role and significance of the current Development Strategy in the modern development of the new Uzbekistan are analyzed.

Keywords: New Uzbekistan, society, public life, development, reform, democratic reforms, state development, change, spiritual renewal, spiritual heritage, principles, universal development.

Аннотация: В статье раскрываются важные аспекты осуществляемых широкомасштабных реформ по созданию нового Узбекистана, общечеловеческих принципов современного

развития, а также все аспекты темы, связанные с актуальными задачами во всех сферах. Проанализированы роль и значение действующей Стратегии развития в современном развитии нового Узбекистана.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, общество, общественная жизнь, развитие, реформа, демократические реформы, государственное развитие, перемены, духовное обновление, духовное наследие, принципы, всеобщее развитие.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ислохотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг бор билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатини ишга солиш зарур. Шундагина юртимиз жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади.

Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КИРИШ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда янги жамиятни барпо этишнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Мамлакатимиз ривожининг янги даврига келиб Президентимиз томонидан Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди ва уни амалиётга жорий этиш жараёни бошлаб юборилди [1]. Ушбу ислохотлар ва янгиланишларнинг бош мақсади демократик тамойилларни жамият ҳаётига кенг жорий этиш бўлгани сабабли, бу жараён ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш зарурати билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимиз ҳаётини янгиланишнинг ушбу стратегияси, аввало, баъзи мамлакатларда турли даврларда рўй берган шошма-шошарлик ва бузилишларга йўл қўймаслик, турли ижтимоий низоларнинг олдини олиш, ислохотларнинг халқаро андозалари ва миллий анъаналарига содиқлик билан боғлиқ замонавий тараққиётнинг умуминсоний тамойиллари асосида ишлаб чиқилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда юртимизда эзгу мақсадлар билан бошланган ислохотларни амалиётга татбиқ этиш учун барча шарт-шароитлар

яратилди. Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик таъминланди, ижтимоий тизимда демократик қадриятлар тизимли равишда жорий этилмоқда, ҳокимиятнинг тақсимланиш тамойилига асосланиб вакиллик, ижро этувчи ва суд органлари фаолият юритиб келмоқда. Демократик талабларга тўла жавоб берадиган икки палатали парламент тизими такомиллашиб, кўппартиявийлик тамойили ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб улгурди.

Шундай экан, миллий давлатчиликка асосланган, ҳукукий демократик жамият куриш, шунингдек, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлашга йўналтирилган инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун тадрижий тараққиёт ҳамда демократик ислохотларнинг янги даври бошланди. Бундай янги жамиятни шакллантириш доимий жараён бўлганлиги боис, халқимизнинг урф-одат, анъана ва менталитетига мос замонавий тараққиётнинг умуминсоний тамойиллари Янги Ўзбекистон стратегиясининг энг асосий вазифалар сирасига кириши ушбу мавзунинг нақадар муҳим ва долзарблигидан далолат беради. Шу ўринда, тараққиёт стратегияси - ижтимоий-гуманитар фанларда муайян жамият ёки давлат ривожининг янги босқичга кўтарилишини белгилаб берадиган омиллар ва тамойиллар, барча соҳалардаги ислохотлар мазмун-моҳиятини ифодаладиган, ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларининг бир бутун тизим сифатида янгиланишини, динамик ўсиш ва ўзгариш жараёнини акс эттирадиган тушунча сифатида қаралиб келинади [11:16]. Мазкур тушунчанинг моҳиятини белгилайдиган муҳим жиҳат шундаки, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, барқарор иқтисодий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт ва маънавий янгиланишга хизмат қилувчи шарт-шароитлар ҳамда замонавий тараққиётнинг юқори самарадорлигига эришиш, эски тартиблар ва тамойиллар ўрнига янги қадриятлар тизими, замонавий ёндашувларнинг вужудга келиши тушунилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишнинг бундан кейинги устувор йўналишлари, замонавий тараққиётнинг

умуминсоний тамойиллари ва вазифаларини аниқлаш ҳамда улар асосида замон билан ҳамнафас ҳаракат қилиш бугунги куннинг, янги даврнинг муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Барчамизга яхши маълумки, юртимиз қадим тамаддунлар шаклланган минтақада жойлашган. Биз тўрт минг йиллик маданий тараққиётни бошидан кечирган, бетакрор обидалар яратган, буюк давлат ва салтанат қурган халқ аجدодлари эканлигимиз ҳеч кимга сир эмас. Ота-боболаримиз асрлар давомида меҳр-муҳаббат, саховат, ҳамкорлик, ҳамжихатликка асосланган жамият барпо этиш учун курашиб келишган. Зеро, Ватан равнақи, юрат тинчлиги ва халқ фаровонлиги ҳамда мана шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг ахлоқий-маънавий камолоти, етуқлигига боғлиқдир [4:88].

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳар бир шахснинг истеъдоди, қобилияти, билими ва малака кўникмаларини ошириш билан бирга, уни жисмонан соғлом, маънан етук, руҳан баркамол инсон қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда энг ривожланган мамлакатларга хос инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор бўлган демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг моҳияти ва пировард мақсадларини янада яққол англашимизга ёрдам беради. Ҳар бир инсон шахси эркин ривожланган жамиятда имкониятлар ҳам ривожланади, маданият ва маърифат равнақ топади. Натижада жамият аъзолари тобора жипслашиб, енгилмас куч-қудратга эга бўлади.

Мустақиллик йилларида бу борада салмоқли ишлар қилинди, кўплаб ютуқлар қўлга киритилди, жамиятда янги муносабатлар, яъни иқтисодиётга асосланган тизим шакллантирилди. Ана шундай ислохотлар самараси ўлароқ, Ватанимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Шу билан бирга, тарихимиз тикланди, улуғ аجدодларимиз номлари оқланиб, маънавий мероси кенг миқёсда ўрганилмоқда. Ана шу ишлар замирида ҳар бир фуқарода ўз ўтмиши, тарихи, мероси, буюк Ватани билан фахрланиш туйғуси қарор топди, миллий ғурур ва халқ фаровонлиги учун кураш туйғуси билан уйғунлашиб бормоқда [3:120].

Ўзбек халқи узоқ тарихга, бой маънавий меросга эга эканлиги ҳар биримизда фахр-

ифтихор туйғусини шакллантиради. Узок ўтмиш, кўп йиллик тарихий маънавиятимизни тиклаш баробарида умумбашарий ва минтакавий маънавий қадриятларни ҳам илиқлик ва хайрихоҳлик билан қабул қиламиз. Чунки дунёда бирор-бир халқ ёки мамлакат ўз қобиғига ўралиб яшай олмайди ва тараққий эта олмайди. Ана шу нуқтаи назардан халқимиз ҳамиша миллий анъаналарига содик, аммо дунёдаги ва минтақадаги илғор, ижобий, инсон маънавиятини, унинг маънавий оламини юксалтирувчи ғояларни, илм-маърифатни ўзлаштириб янгиликларга интилиб келмоқда.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб, глобаллашиб бораётган бир пайтда афсуски, Ғарбнинг ғоя ҳамда таълимотлари орасида турли цивилизациялар, халқ ва давлатлар орасига нифоқ солиб, маданий-маърифий алоқаларга раҳна солаётганлари ҳам учраб туради. Масалан, “цивилизациялар тўқнашуви”, “маданиятлар тўқнашуви”, “маданиятли ва маданиятсиз халқлар” каби номлар билан аталадиган турли қарашлардан сиёсий мақсадда фойдаланиш умуминсоний тараққиётга анча зарар келтираётган барчага маълум. Бу каби жиҳатлар айрим кучларнинг сиёсий калтабинлиги, ўз шахсий салбий қарашларини ёйиш борасидаги хатолари бўлса, ана шундай “илмий” назарияларни кўр-кўрона қабул қилиб амалиётга татбиқ этишлари иккинчи хатоларидир.

Кўп ҳолларда бу каби масалаларнинг айнан шу жиҳатларига эътибор қаратган, бундай ёндашувнинг салбий оқибатларини ҳолисона таҳлил этишга уринганлар бундай кучлар томонидан қораланади. Бу воқеалар, бир томондан, кимнинг кимлигини яна бир бор очиқ намоён қилса, иккинчи томондан, мазкур ҳодисага нисбатан ноҳолис ёндашув, ғаразли мақсадга қаратилган ҳолатларни ҳам кўрсатади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: наҳотки, ҳақиқатга зид масалани оқлаш учун воқеанинг асл моҳиятидан кўз юмиш керак бўлса... Бу – мақсад ҳар қандай воситани оқлайди, деган ғайриинсоний тамойил асосида иш кўриш эмасми? Бу каби ҳолатлар ҳар бир мамлакатнинг замонавий тараққиётга салбий таъсир кўрсатади.

Барчамизга яхши маълумки, бугунги кунга келиб, инсоният талайгина муаммолар қаршисида ожиз бўлиб қолмоқда. Кўплаб

олим ва мутахассислар мазкур муаммолардан қутилиш чорасини излашмоқда. Бу борада турлича қарашлар, таълимот ва назариялар яратилди. Аммо улар муайян минтақа халқлари, давлатлар ва миллатларнинг тараққиёт йўлига оид умумий тушунча ҳамда умуминсоний тамойилга эга бўлмагани боис давр талабига жавоб бера олмаяпти. Мазкур таълимот ва назарияларни амалиётга жорий этишга интилаётганлар боши берк кўчага кириб қолишди. Хусусан, ўзларининг зарарли ғояларини бутун жаҳонга ёйишга бел боғлаган айрим гуруҳлар қурол кучи ва иқтисодий омиллар воситасида ўз мақсадларига етишиш учун ҳар қанча уринишмасин, лекин аслида ғаразли мақсадларни кўзлайдиган ҳаракатлари қутилган натижаларни бермаяпти. Оқибатда дунёнинг баъзи ҳудудлари, айрим миллат ва халқлар асорат исканжасига тушиб қолишмоқда. Тўғри, бу ҳаракатларни ниҳоятда катта маблағлар, кўпдан-кўп “мутахассис” ва “холисона” хабарлар тарқатадиган журналистлар жалб қилинадиган ахборот коммуникациялари ёрдамида оқлашга ҳаракат қилинмоқда. Аммо, жаҳон ҳамжамияти бу ҳаракатлардан кўзланган асл мақсадларни яхши тушуниб турибди.

Маълумки, инсоният тарихининг бурилиш давларида тараққиёт йўллари тўғрисида турлича қарашлар пайдо бўлади. Икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, жаҳоннинг сиёсий харитасидаги ўзгаришлар натижасида ҳам шундай жараён юз бериши табиий ҳол эди.

Ўзбекистон қадимдан кўплаб мамлакатлар билан барча соҳаларда ҳамкорлик қилиб келган. Бу жиҳатдан Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган тараққиёт стратегияси ушбу бир томонламалик ва кемтикликлардан мутлақо холи бўлиб, унинг устувор тамойиллари Янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётга хизмат қилади.

Ана шу жиҳатдан, Янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётга хос умуминсоний тамойиллари алоҳида ажралиб туради:

Биринчидан, тарихийлик тамойили бу инсоният тараққиётининг ҳозирги давргача бўлган ютуқларига асосланиш билан бирга, халқимизнинг бугунги кунгача эришган миллий мероси ва қадриятлари, миллий анъана ва маънавий қадриятларидан унумли фойдаланиш асосида шаклланиб такомиллашиб бормоқда;

Иккинчидан, замонавийлик тамойили бўлиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, давлатимизнинг қўлга киритган улкан ютуқлари, бу борадаги зарур омиллар ва тамойилларга алоҳида эътибор қаратилган;

Учинчидан, тизимлилик тамойили – бу орқали жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришларни бир бутун ва яхлит жараён сифатида қарашга асосланган ҳолда, жамият ҳаётининг алоҳида соҳасини янгилашгина эмас, балки барча жабҳаларини камраб олган тизимли ислохотларни амалга ошириш мақсад қилинган;

Тўртинчидан, умуминсонийлик тамойили бўлиб, ҳозирги дунёда рўй бераётган ўзгаришлар ва янгилашлар динамикаси ҳам Янги Ўзбекистон стратегиясида ўз ўрнига эга. Бу тамойил, аввало, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми ва халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатидаги ўрни ва мавқеини белгилашнинг асосий омилларида бири бўлмоқда;

Бешинчидан, бағрикенглик тамойили, яъни мамлакатимизга хос кўп миллатлилик ва кўп конфессиялик шароитида жамиятнинг барча аъзолари ва аҳоли қатламларининг ҳамжиҳатлигини, эзгу мақсадлар йўлидаги умумий сафарбарлигини таъминлашга хизмат қилиши лозимлиги назарда тутилган.

Олтинчидан, мантикийлик тамойили бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси бундан илгари қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг мантикий давоми, бу йўлдаги ислохотларнинг қонуний ҳосиласи ва ҳозирги даврдаги объектив зарурати эканини тўла-тўқис исботлайди [1].

Бу эса, Янги Ўзбекистон тараққиётида муҳим демократик воқеалик ҳисобланиб, очик фуқаролик жамияти сари юксалиш ҳамда демократия тамойилларини мустаҳкамлашда дадил амалий ҳаракатлар десак муболаға бўлмайди. Кўриниб турибдики, бунда фақат хориж демократияси талаблари эмас, балки ўзимизнинг қадимий давлатчилик анъаналаримиз ҳам тўла ҳисобга олингани кутилган натижаларни бермоқда. Айнан ана шу жиҳат ҳаддан ташқари индивидуализмга берилиш, худбинлик, ўзибўларчилик, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслик

кабиларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Бу ўринда нималар назарда тутилмоқда?

Аввало, халқимизга хос шахсий қобилиятни жамоавий удумлар билан уйғунлаштириш, эл-юрт, маҳалла-қўй назаридан қолмаслик, дину диёнатдан чиқмаслик туйғуси назарда тутилмоқда. Халқимиз қиёфаси асосини белгилайдиган ор-номус, мардлик, виждон амрига итоат этиш, адолатпешалик, ҳақгўйлик сифатлари йўқолмаслиги керак. Ҳаё, андиша, лафз, омонатга хиёнат қилмаслик, ростгўйлик дини исломимизда ҳам, халқ тушунчасида ҳам мустаҳкам ўрин олган. Улуғ мутафаккирларимиз бу ахлоқий сифатларни ўз асарларининг бош ғояси қилиб белгилаганлар. Шундай ижобий ҳислатлар асосида комил инсон ҳақидаги тушунча шаклланган. Эзгу ахлоқ қоидалари қонунларнинг амал қилишига, бозор иқтисоди ривожига ёки ҳокимиятлар ишига ҳеч қачон тўсқинлик қилмайди. Аксинча, фозиллик, ақлу фаросат, покиза ахлоқ умумий замонавий тараққиётга ёрдам беради.

Бу фикрни айтаётганимиз бежиз эмас, албатта. Чунки, баъзи мамлакатлардаги айрим “ўта либераллар” миллий урф-одат, анъаналар демократияга зид, шунинг учун иложи борица улардан воз кечиш керак, деган қарашни тарғиб этишмоқда. Уларнинг назарида, демократия — ҳамманинг “оммавий маданият” тамойиллари асосидаги турмуш тарзи, анъаналарини тўлиқ қабул қилишидир. Бунга кўра, Шарқ мамлакатлари ўз миллий қиёфаси, маънавий-ахлоқий қадриятларидан воз кечиши, яъни ёппасига америкалаштириш, христианлаштириш йўлидан бориши керак. Масалан, фарзанд вояга етгач, ўз ота-она насиҳатига кулоқ солиши, улар билан маслаҳатлашиши шарт эмас, чунки ҳар ким ўзи учун яшайди, бирор киши бошқанинг иши ва ҳаётига аралашмайди [10:76].

Албатта, бундай қарашларнинг замирида уларнинг яширин мақсад-муддаоси мавжуд. Бу демократия эмас, балки демократия ниқоби остида миллий қиёфани бузиш, миллий ифтихор ва ўзликни англашдан маҳрум этиш, ҳайвоний ҳирс-эҳтиросларни кучайтириб, рухий-маънавий, раҳмоний фазилатларни, яъни одамийликни йўқ қилишдир. Бу ғоят қабих ниятдир. Бунда нафақат муайян шахслар, балки бутун миллат жар ёқасига келиб қолиши мумкин. Натижада одамларимиз ғарб учун

тайёр қуролга, “тараққий этган” қулга айланади. Афсуски, бундай бузғунчи ғояларга берилиб, алданиб қолганлар орамизда йўқ эмас.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Президентимизнинг Янги Ўзбекистонни ривожлантириш, дунё ҳамжамиятида имиджини ошириш борасида амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлар, ҳудудларга ташрифи чоғида оддий одамлар билан бўлаётган мулоқоти ва мулоқот пайтининг ўзида тўпланиб қолган муаммоларнинг жойида бартараф этилиши, унинг амалий самарадорлиги сўзимизнинг яққол исботидир. Халқ билан бўлаётган ҳар бир учрашувлардаги маъруза ва чиқишларида миллий қадриятлар ва ананаларни одамлар, айниқса ёшлар онгига сингдириш, миллий ўзликни англаш ва мустаҳкамлашга доимо даъват этиб келиши, буни жамият барқарорлиги, замонавий тарққиётнинг асосий омили деб қараши бежиз эмас. Чунки ҳар қандай ёт ғояларга қарши туриш, ақидарапастлик, сохта демократиянинг олдини олишнинг энг ишончли воситаси — миллий тараққиёт ва бугунги янгиланишларнинг маънавий асоси эканлиги шубҳасиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 07/21/5040/0243-сон. <https://lex.uz/docs/5344692>
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Т.: О‘қитувчи МУ МСНЖ, 2021. – 184 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровн бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 1-том, 88-б.
6. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи. 1992. – 62 б.
7. Абу Наср Форобий. Фазилят, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 2001. – 48 б.
8. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2012. – 160 б. Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 36 б.
9. Ахмедов Х. Истиклол ва раҳбар кадрлар камолоти. – Т.: Akademiya, 2007.
10. Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати/ ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Султонов Х.ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Назаров Қ. – Т.: Ғафур Ғулом, 2009. – 436 б.
11. Ҳаракатлар стратегияси ва диний-маърифий соҳадаги ислохотлар [Матн]: ўқув қўлланма / Х.Ахмедов. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020. – 220 б.